

зарур маълумотларни тақдим этиши;

сугурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганилиги ҳақида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан йигирма иш куни мобайнида сугурталовчига ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Сугурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5.3. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

сугурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли эксперталовчига ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

сугурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларига доир ахборотни (маълумотни) текшириш ҳуқуқига эга.

Сугурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.4. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

сугурта қилдирувчини давлат томонидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сугурта қилдирувчи ва сугурта қилинган шахс (наф оловчи) тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

сугурта тўловини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, сугурта қилинган шахс (наф оловчи) сугурта тўловини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сугурта қилдирувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослаган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Низомнинг 24-бандида назарда тутилган барча зарур хужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва сугурта тўловини тўлаши;

ташкilot номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда сугурта қилдирувчига қонун хужжатларида белгиланган тартибда маълум қилиши;

сугурта полиси йўқотилган тақдирда, сугурта қилдирувчи тегишли ариза билан мурожаат қилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида сугурта полиси дубликатини бериши шарт.

Сугурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5.5. Сугурта қилинган шахснинг ҳуқуқлари:

сугурталовчига сугурта тўловини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилиш;

қонун хужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурта тўлови олиш;

давлат томонидан мажбурий сугурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида сугурта қилдирувчи ёки сугурталовчидан бепул ахборот олиш;

белгиланган тартибда ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда, зарурият бўлганда, ўзининг ишончли вакилини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

сугурта қилдирувчидан сугурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Сугурта қилинган шахс қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.6. Наф оловчининг ҳуқуқлари: